



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 3 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 9, НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
VOLUME 9, ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2026

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ермегов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Рашидов Ойбек Расулович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайдон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Курбанов Бахтияр Журабаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Наманган давлат университети

Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Баҳадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Юсупов Аҳмеджон Шоназарович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Urganch davlat universiteti

Тиллажаева Хуршида Джумаваевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Тошкент давлат техника университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоқов Бахтиёр Робидинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети


Турсунова Юлдуз Бобоқулловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

Азаматова Гулмира Байирбековна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Jizzax davlat pedagogika universiteti

Каримжонов Жасурбек Мухторжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Dilshod Komolov, Asilbek Zulfiqorov YANGI O‘ZBEKISTONDA ADVOKATURA INSTITUTINING RAQAMLI TRANSFORMATSIYASI.....	5
2. Faxriddin Yormatov, Nurullo Tursunov JAMIYAT HAYOTIDA NURONIYLARNING TUTGAN O‘RNI VA YANGI O‘ZBEKISTONDA ULARNI HAR TOMONLAMA QO‘LLAB-QUVVATLASHNING AMALIY IFODASI.....	11
3. Nodira Toliboyeva O‘ZBEKISTONDA XOTIN-QIZLARNI TA‘LIM TIZIMIGA JALB ETISH: TARIXIY TAJRIBA VA MUAMMOLAR.....	18
4. Гулчехра Дадамирзаева СОВЕТЛАРНИНГ КОСИБ-ХУНАРМАНДЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ.....	23
5. Akmal Mengliboyev QIZIL ARMIYA BOSQINIGA QARSHI SURXON VOHASIDA KURASHNING BOSHLANISHI.....	32
6. Ulug‘bek Mirzaliyev, Farhod Umurzoqov SIRDARYO VA JIZZAX VILOYATLARIDAGI URBANIZASIYA JARAYONLARI.....	39
7. Абдисаттор Қосимов ЧОРВАЧИЛИКДА СУРХОН-ШЕРОБОД ВОҲАСИ АСРИЙ ХЎЖАЛИК АНЪАНАЛАРИ.....	45
8. Sardorbek Rahimberdiyev TRANSMILLIY MIGRATSIYA SHAROITIDA O‘ZBEK MIGRANTLARINING MADANIY IDENTIFIKATSIYASI VA KUNDALIK HAYOT STRATEGIYALARI (KOREYA RESPUBLIKASI MISOLIDA).....	49
9. Shavkat Shapiyev FARHOD GIDRO ELEKTR STANSIYASI – O‘ZBEKISTONNING ENERGETIKA USTUNI.....	57
10. Diyora Chorshanbiyeva 2016-YILDAN KEYIN O‘ZBEKISTONDA DAVLAT BOSHQARUVINING TRANSFORMATSIYASI VA YOSHLAR MASALASI.....	65
11. Sitora Nosirova DOSTONLARDA O‘ZBEK OILASINING IJTIMOIIY HAYOTDAGI KO‘RINISHLARI.....	72
12. Lutfillo Mamasaidov O‘ZBEKISTONDA SAVODSIZLIKNING TUGATILISHI VA YANGI TA‘LIM TIZIMINI TASHKIL ETILISHI TARIXIDAN.....	76



Гулчехра Дадамирзаева,
Наманган давлат университети
Тарих кафедраси доценти, PhD

СОВЕТЛАРНИНГ КОСИБ-ХУНАРМАНДЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

For citation: Gulchekhra Dadamirzaeva. STATE POLICY IN SOVIET CRAFT PRODUCTION AND ITS CONSEQUENCES. Look to the past. 2026, vol. 9, issue 3.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.18941934>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Совет даврининг дастлабки йилларида хунармандчилик ишлаб чиқаришининг аҳволи, большевикларнинг хунармандчилик кооперациясининг ўрни ва роли ҳақидаги қарашлари таҳлил қилинади. Хунармандларга ижтимоий қатлам сифатида бўлган муносабат ҳамда кооператорлар дуч келган муаммолар аниқланади.

Калит сўзлар: Кооператив, артел, кооперация, хунармандчилик кооперацияси, ишлаб чиқариш, Туркистон ўлкаси, совет ҳокимияти, большевик, уюшма, янги иқтисодий сиёсат

Гулчехра Дадамирзаева,

Наманганский государственный университет
Доцент кафедры истории, PhD

ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОЛИТИКА В ОБЛАСТИ СОВЕТСКОГО РЕМЕСЛЕННОГО ПРОИЗВОДСТВА И ЕЕ ПОСЛЕДСТВИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется состояние ремесленного производства в первые годы советской эпохи, взгляды большевиков на место и роль ремесленного кооператива. Выявлено отношение к ремесленникам как к социальному слою и проблемы, с которыми сталкивались кооператоры.

Ключевые слова: кооператив, артель, кооперация, ремесленное кооперирование, производство, Туркестанская область, советская власть, большевики, объединение, новая экономическая политика

Gulchekhra Dadamirzaeva,

Namangan State University
Associate Professor, Department of History, PhD

STATE POLICY IN SOVIET CRAFT PRODUCTION AND ITS CONSEQUENCES

ABSTRACT

This article analyzes the state of craft production in the early years of the Soviet era and the Bolsheviks' views on the place and role of craft cooperatives. The article explores the attitude toward artisans as a social class and the challenges they faced.

Index Terms: cooperative, artel, cooperation, craft cooperation, production, Turkestan region, Soviet power, Bolsheviks, unification, New Economic Policy

1. Долзарблиги:

Кооперативлар иш билан банд аҳолининг 10 фоизига иш ўринлари ёки иш имкониятларини тақдим этади ва уч юзта энг йирик кооператив ёки ўзаро мулк жамиятнинг ривожланиши учун зарур бўлган хизматлар ва инфратузилмани тақдим этиш билан бирга 2,79 триллион АҚШ доллари миқдоридан айланма маблағга эга. Халқаро кооператив альянснинг берган таърифига кўра, кооперативлар- биргаликда эгаллик қилинадиган ва демократик йўл билан бошқариладиган корхона орқали ўзларининг умумий иқтисодий, ижтимоий ва маданий эҳтиёжлари ва интилишларини қондириш учун ихтиёрий равишда бирлашган шахсларнинг алоҳида бирлашмаси ҳисобланади. Агар дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида бугунги кунда ҳам кооператив сектор муваффақиятли фаолият олиб бораётганлигини ва натижадорлигини инобатга олинса, ушбу ҳаракатнинг тарихий тажрибасини тадқиқ этиш зарурияти юзага келади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири сифатида ишлаб чиқариш кооперативлари фаолиятини ўрганиш бугунги кунда кунда муҳим аҳамиятга эга. Мавзунинг долзарблиги совет ҳокимияти ўрнатилиши шароитида кенг тарқала бошлаган кооператив ҳаракатга ҳолисона баҳо бериш имконияти билан белгиланади. Маълумки, Совет ҳокимияти йилларида кооперацияларнинг кредит, қишлоқ хўжалиги, матлубот, косиб-хунармандчилик каби бир қанча турлари кенг тарқалган эди. Бу ўринда косиб-хунармандчилик кооперацияси фаолияти мавзуси ҳали ҳам етарлича ўрганилмаган бўлиб қолмоқда.

2. Методлар:

Тадқиқот методологиясини танлашда ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳанинг ўзига хос жиҳатларига эътибор бериш лозим бўлади. Чунки тарих фалсафасини англашни ягона усул орқали ифодалаб бўлмайди. Тўпланган тарихий тажрибани тўғри таҳлил қилиш орқалигина мақсадга эришиш мумкин бўлади. Ишда диалектикнинг усулнинг қўлланиши тарихий жараёнларни тизимли ёндашув асосида ўрганишни назарда тутди. Бунда муаммонинг яъни кооперативларга нисбатан олиб борилган давлат сиёсатининг вақт давомида ва юз берган воқеалар асосида таҳлил қилинди. Обьективлик эса ишга турли нуқтаи назарлар билан ёндашилган манбаларга ҳолис баҳо бериш имкониятини берди.

3. Тадқиқот натижалари:

Туркистонда фабрика- завод саноатининг айрим тармоқлари ривожлана бошлаганига, Европа Россиядан маҳсулотлар оқими кириб келганига қарамадан, хунармандчилик ишлаб чиқариши ўлканинг иқтисодий ҳаётида катта роль ўйнаган ва камида 20–25 миллион рубль қийматида маҳсулот ишлаб чиқарган. Хўжалик ривожланиши шароитига мувофиқ равишда косиб-хунармандчилик уй ва хунармандчиликка асосланган косибчилик ишлаб чиқариш шаклларида намоён бўлган. Ўрта Осиёда хунармандчилик ишлаб чиқариши соҳалари жуда кўп бўлиб, уларнинг айримлари нафақат маҳаллий, балки умумдавлат аҳамиятига ҳам эга эди.

Ўрта Осиёда хунармандчилик соҳасида асрлар давомида, 1918 йилга қадар, оддий товар ишлаб чиқариш сақланиб келган, бироқ шу ҳолатда ҳам хунармандчилик ишлаб чиқаришининг айрим турлари ҳудудлар бўйича маълум даражада ихтисослашган эди. Масалан, Ҳисор, Қарши, Чуст шаҳарлари ўз пичоқлари ва шамширлари билан машҳур бўлган. Риштон юқори сифатли кулолчилик керамика буюмларини ишлаб чиқарган. Марғилон ипак тўқиш, пахта матолари тайёрлаш, тўқимачилик ишлаб чиқариши ва бошқа соҳаларнинг эътироф этилган маркази бўлган. Андижон пахта матоларига юқори сифатда

ишлов бериш билан машхур эди. Қўқон эса қоғоз ишлаб чиқариш маркази ҳисобланган. Ҳунармандчилик маҳорати авлоддан-авлодга мерос қилиб ўтказилган. Қўқон шаҳрида хунарманд аҳолининг асосий қисмини қоғоз ва ипак матолар, шунингдек бархат тўқувчилар ташкил этган, улардан кейин барча ихтисосликдаги темирчилар, мисгарлар, заргарлар, курилиш усталари, дурадгорлар, турли ихтисосликдаги токарлар, арбалар, эгарлар ва асбоб-ускуналар тайёрловчи усталар, тери ишловчилари, турли ихтисосликдаги пойабзал усталари, бўёқчилар, совун ва шам ишлаб чиқарувчилар ташкил этган. Тошкент шаҳрининг Шайхантоҳур қисмида чўян қуйиш, ёғ чиқариш ишлаб чиқаришлари жамланган эди. Аҳолининг бир қисми мато тўқиш билан шуғулланган бўлиб, тўқимачилик устахоналари сони 567 тани ташкил этган. Себзор қисмида аҳоли терига ишлов бериш, тўқимачилик ва матоларни бўйаш, пойабзал тикиш, терини ишлаш ва ўлканинг бошқа шаҳарларига жўнатиш билан шуғулланган. Қўкча аҳолисининг асосий машғулоти тери ишлаб чиқариш эди. Бешёғоч аҳолиси асосан боғдорчилик билан шуғулланган, шу билан бирга турли хунармандчилик ишлари билан ҳам машғул бўлган. Ўрта Осиё Россияга босиб олинганга қадар Бухоро, Хоразм ва Қўқонда асрлар давомида бир хил хунармандчилик шакллари ривожланиш жараёни кузатилган бўлиб, у ўз эҳтиёжи учун мўлжалланган уй хунармандчилигидан бошлаб, маҳсулотлари кўплаб карвонлар орқали нафақат Россия бозорларига, балки Ғарбий Европа бозорларига ҳам етиб борган косиб-хунармандчилик саноатигача бўлган йўлни қамраб олган эди.

Маълумки, Чор Россияси саноатчилари биринчи навбатда йирик саноат корхоналарини қуришга киришди. Масалан: пахта тозалаш заводлари, ғишт заводлари, спиртли ва спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқариш корхоналари, совун пишириш ва шу каби бошқа ишлаб чиқариш фабрикалари ташкил этилди. Натижада, шаҳарларда маҳаллий косибчилик ишлаб чиқариши биров қисқарди, ёки аниқроғи, у фақат юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи хунармандчилик даражасида сақланиб қолди. Қишлоқларда эса бу ўзгариш шаҳарларга нисбатан камроқ сезилди. Октябрь воқеалари арафасида мана шундай ҳолатда бўлган маҳаллий косибчилик ишлаб чиқариши биров кейин ташкил этилган косиб-хунармандчилик кооперацияси даврига кириб келди.

Туркистон ўлкаси Россия саноати учун хом ашё базасига айлантирилди. Асосан пахта етиштиришга эътибор қаратилди, бу эса бошқа соҳаларнинг ривожини сусайтирди. Шу сабабли, Туркистонда саноат бир томонлама ривожланди. Маҳаллий аҳолининг эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга қодир бўлган ишлаб чиқариш тармоқлари етарлича ривожланмади. Кўплаб хунармандлар ўз касбидан ажралиб, оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолдилар. Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин саноатни тиклаш ва ривожлантириш вазифаси қўйилди. Айниқса, кустар-хунармандчилик ишлаб чиқаришини кооперативлаштириш масаласи муҳим аҳамият касб этди. Косиб-хунармандчилик ишлаб чиқаришининг барқарор ривожланишида яна шу ҳолат ҳам муҳим роль ўйнайдикки, кенг истеъмол учун мўлжалланган буюмлар кескин равишда миллий хусусиятга эга бўлиб, уларни ташқи томондан ишлаб чиқариш ёки олиб кириш мумкин эмас эди.

Иқтисодий хусусиятга эга бўлган яна бир қатор омиллар мавжуд бўлиб, улар яқин бир неча йиллар мобайнида мазкур соҳанинг мавжуд бўлиши ва ривожланиши учун барқарор шароит яратди. Йирик фабрика-завод саноатига зудлик билан ўтиш имкони бўлмаганлиги косиб-хунармандчилик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга ёрдам берувчи шарт-шароитлардан бири бўлди десак муболаға бўлмайди. Хунармандлар орасидан малакали ишчилар кадрларини тайёрлаш, шунингдек товар танқислигини юмшатиш мақсадида совет давлати ўз иқтисодий сиёсатида дастлабки даврда хунармандчилик саноатининг ривожига ҳар томонлама кўмак беришга ҳаракат қилди.

1919 йил Туркистон косиб-хунармандчилик уюшмаси ташкил этилиб, унинг амалий фаолиятининг бошланиши сифатида 1 март санаси ҳисобланади. Ўз табиатига кўра, бу хусусий-хўжалик органи бир томондан бутун хунармандчилик саноатини бозорни эгаллаш мақсадида фойдаланиши, иккинчи томондан эса ўз ишлаб чиқариш фаолияти орқали хунармандларни кооперацияга, ташкилотга жалб қилиши лозим эди. Совет давлати

Туркистонда хунармандчилик кооперациясининг тармоғини яратиш орқали хунармандчилик ишлаб чиқаришидан фойдаланишда, ўзининг мослашувчанлиги ва алмашувчанлиги ҳамда ишга тўғри ёндашуви орқали якка хунармандларни уюшма ва артелларга жалб қила оладиган органни яратиши зарур эди. Туркистон шароитида хунармандчилик кооперациясини қуйидан қуриш мумкин эмаслиги аниқ бўлди. Шундай ўлка органи зарур эдики, у кооперативлар тармоғини чуқурлаштириш, кенгайтириш ва гоёвий жиҳатдан Туркистонда бирлаштириб туришга қодир бўлиши керак эди.

Унинг асосий вазифаси артеллар ташкил этиш, уларни бирлаштириш ва туман ва ўлка миқёсида жойлаштиришдан иборат. Бу даврга келиб қўшимча ишлаб чиқариш (кустар) секциясида анча кўп артеллар рўйхатга олинган бўлиб, уларни кооператив ҳаракатга жалб этиш лозим эди. Шу мақсадда дастлаб мавжуд артеллар билан танишиш, уларни текшириш, мавжуд имкониятлар ва Туркистон хунармандчилик уюшмаси томонидан тақдим этиладиган фойда ва имтиёзларни тушунтириш ишлари олиб борилди. Бу фаолият Тошкент шаҳрида бошланди. Жойларда самарали иш олиб бориш учун туман хунармандчилик уюшмаларини ташкил этишга қарор қилинди. Сирдарё вилояти бўйича ўлка уюшмаси туман миқёсидаги ишларни ўз зиммасига олди. Қуйидаги шаҳарларда жумладан, Андижон, Авлиёота, Чимкент, Самарқанд, Хўжанд, Қўқон, Марғилон, Наманган, Ўратепа, Пишпек туман уюшмаларини ташкил этиш режалаштирилди. Бу ишларни амалга ошириш учун Туркпромсоюз бошқармаси аъзолари ва инструкторлар хизмат сафарига юборилди. Бошқа туманлар ҳам ўрганиб борилди. Тошкент шаҳрида олиб борилган текширув ишлари шуни кўрсатдики, мавжуд меҳнат артелларининг катта қисми (тахминан 20 фоизи) меҳнат характериغا эга бўлиб, улар аъзолари ҳнрмандчилик уюшмасига аъзоси бўлиш ҳуқуқига эга. Бироқ бу артелларнинг ҳеч бири умумий устахонага эга эмас; улар асосан якка ҳолда меҳнат қилувчи хунармандлардан иборат. Хунармандчилик артелларининг уюшма томонидан рўйхатга олинганларининг катта қисми тарқалиб кетган ёки капиталистик хусусиятга эга бўлиб чиққан. Ҳақиқий меҳнат кооперациясига хос бўлган меҳнат бирлашмалари эса иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан жуда заиф эканлиги аниқланди. Бу ҳолат шуни кўрсатадики, кооператив ҳаракатни ривожлантириш, хусусан, хомашё, турли материаллар, асбоб-ускуналар, буюртмалар билан таъминлаш, шунингдек, кооператив ишни йўлга қўйиш масалалари амалда нолдан бошланиши лозим. Уюшмада иштирок этиш аъзоларга турли шаклларда ёрдам беришни назарда тутди. Бу ёрдам хомашё, ишлаб чиқариш қуроли ва материаллар билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда бошқа зарур чора-тадбирларда намоён бўлиши мумкин.

Хунармандчилик ишлаб чиқаришини халқ хўжалиги тармоқлари ва аҳолининг истеъмол эҳтиёжларини қондиришдаги улкан ролини қайд этган ҳолда, Халқ Комиссарлари Кенгаши 1921 йил 17 майдаги декрети билан жойлардаги совет ҳокимияти органларини хунармандчилик ишлаб чиқаришини кооператив шаклларда ривожлантириш учун зарур чора-тадбирларни кўришга мажбур қилди. Ушбу декретда кооперативлаштириш жараёнини кучайтиришнинг амалий чоралари ва йўллари ҳам кўрсатиб ўтилган эди. Биринчидан, буюртмаларни хусусий шахсларга нисбатан устувор равишда кооператив бирлашмаларга бериш; иккинчидан, давлат буюртмалари берилганда ва давлатга тегишли ҳажмлар ҳамда пул маблағлари доирасида давлат топшириқлари белгиланганда кооператив ташкилотларни аваншлаш; учинчидан, зарур биноларни топиб беришда, асбоб-ускуналарни сотиб олишда ва шу каби масалаларда кооператив ташкилотларга алоҳида шахсларга нисбатан устунлик бериш тадбирлари белгилаб берилди.

Косиб хунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги кооперациясига нисбатан эса ҳудуд миқёсида қуйидаги тамойилларга риоя қилиш белгиланди. Тегишли кооперативларни очиқ тарзда (эркин) ташкил этиш, аъзоларнинг уларга ихтиёрий равишда кириши, кооперативларнинг бошқарув органларини эркин сайлаш каби ҳуқуқлар берилди. Тўртинчидан, фаолият кўрсатмаётган саноат қорхоналарини ижарага беришда хунармандларга устуворлик бериш тартиби жорий қилинди. Шу даврдан бошлаб Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилиши билан майда якка хўжаликларни

кооперативлаштириш ва уларни йирик ишлаб чиқариш йўлига ўтказиш жараёни бошланди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида майда ишлаб чиқарувчи косиблар ва хунармандлар аввалгидек, эски усуллар ва эски техника билан, эски ишлаб чиқариш муносабатлари сақланган шароитда ишлашда давом этдилар. 1922 йилда хунармандчилик ишлаб чиқариши тўғрисидаги маълумотларда қайд этилишича, советларгача бўлган даврда ҳам катта аҳамиятга эга бўлган хунармандчилик ишлаб чиқариши Туркистонда товар етишмаслигини бартараф этишда муҳим омилга айланди. Большевикларнинг хунармандчилик ишлаб чиқаришига нисбатан юритган сиёсатида дастлабки даврда агар хунармандчилик саноатини йирик саноат корхоналарига рақобатчи эмас, балки мавжуд реал ҳолат доирасида кўриб чиқилса, яъни, унга фабрика ва заводларга зарар етказмаган ҳолда, хунармандлар томонидан фойдаланилиши мумкин бўлган материаллар ва иш қуролларини тақдим этиш ижобий натижа бериши қайд этилди. Айниқса, Янги иқтисодий сиёсат шароитида хунармандчилик саноати ўзини қишлоқ хўжалиги учун маҳаллий иш қуролларини тайёрлаш, гилам тўқиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кўнчилик, кулолчилик, ип-газлама тўқиш каби соҳаларда топа олиши мумкин дея ҳисобланди. 1921 йил январь ойига келиб, артеллар таркибида расман рўйхатга олинган аъзолар сони 24 597 нафарни ташкил этган. 1922 йилда, иқтисодий сиёсатнинг ўзгариши туфайли, артел аъзолари сони 29 925 нафаргача кўтарилди, яъни деярли 18 фоизга ошди.

1922 йил февраль ойининг охирида хунармандлар съезида Туркистон ўлкаси хунармандчилик кооперативлари уюшмаси (Туркпромсоюз) тузилди ва ўз фаолиятини шу йил 1 мартдан бошлаган ўлка бошқаруви сайланди. Лекин уюшма фаолиятининг илк кунлариданоқ оғир молиявий аҳволга тушиб қолди ва давлат ёрдамига умид боғлашга мажбур бўлди. 1922 йилда Халқ хўжалиги марказий Кенгаши раисига косиб-хунармандчилик кооператив бўлими мудири Л. Хаитованинг Туркистонда майда ва косиб-хунармандчилик ишлаб чиқаришининг ҳолати ҳақидаги маълумотларда келтирилишича, Туркистоннинг географик жойлашуви, тарихий сабаблар ва маҳаллий аҳолининг психологияси бу ерда уй ва косиб-хунармандчилик ишлаб чиқаришининг кенг ривожланишига замин яратган. Туркистонда йирик саноатни яқин йилларда янгидан тиклашни амалга оширилиши мумкин эмаслиги сабабли, катта миқдорда маҳсулот ва буюмлар олиш ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун майда ва косиб-хунармандчилик ишлаб чиқаришига жиддий эътибор қаратиш лозим эди. Косиб-хунармандлардан максимал даражада фойдаланишнинг энг яхши усули - уларни артел ва уюшмаларга кооперация йўли билан бирлаштириш учун шароит яратиш ва бу жараёни рағбатлантиришдир. Туркистонда хунармандчилик кооперациясини ташкил этиш бошланиши шундай вақтга тўғри келдики, ўша пайтда тадбиркорроқ деҳқонлар ва хунармандлар меҳнат мажбуриятидан қутулиш ҳамда давлатнинг монопол хомашёси билан эркинроқ муомала қилиш имкониятини қўлга киритиш учун артелларга бирлашдилар. Шу вақтнинг ўзида ҳақиқий меҳнат кооператив бирлашмалари билан бир қаторда, артель номи билан ниқобланган кўплаб сохта кооперативлар ҳам тузилиб, улар артелнинг ёрлиғи билан ўзларини беркитар эдилар. Косиб-хунармандчилик уюшмаси маълумотларига кўра, 1922 йилнинг 1-октябрига келиб уюшма ва унинг маҳаллий органлари орқали 1279 та артель 38 841 нафар аъзолари билан рўйхатдан ўтган.(Сирдарё, Еттисув, Туркменистон, Самарқанд, Фарғона, Амударё)

Большевиклар Коммунистик партияси МҚ нинг Туркистон қўмитаси ва Туркистон Коммунистик партияси МҚ нинг Ижроия бюроси 1921 йил 18 майда хунармандларни касаба уюшмаларига жалб этиш масаласини муҳокама қилди. Шу йилнинг июль ойида ушбу партия органининг кенгайтирилган мажлисида бу масала яна муҳокама қилинди ва кустарларни касаба уюшмаларига қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу билан бирга, турли фикрлар ўртасида кураш юз берди. Айрим ходимларнинг ушбу қарорга қарши чиқишларининг сабаби шунда эдики, асосан давлат корхоналарида эмас, балки хусусий хўжалик секторда ишлаган ва сони жиҳатдан ташкил этилган саноат ишчиларидан анча кўп бўлган хунармандлар касаба уюшмаларига майда буржуа кайфиятларни олиб кириши, шу орқали ўлкадаги касаба уюшма ҳаракатини шу кайфиятлар билан босиб кетиши мумкин,

деган хавотир мавжуд эди. Шунга қарамасдан, Туркистон КПсининг олтинчи курултойи ҳам кустарларни касаба уюшмаларига ташкил этилган ҳолда жалб этиш тарафдори бўлди. Албатта, бу ерда гап ўз корхоналари эгалари бўлган, ўзлари ҳам ишлаган бўлсалар-да, барибир ёлланма ишчи кучидан фойдаланган ва маҳсулотни ўз хоҳишига кўра тасарруф этган хунармандлар ҳақида кетмаган. Бундай хунармандлар сони кам бўлиб, улар касаба уюшмаларига қабул қилинмас эди. Бироқ большевиклар ва Коммунистик партия Марказий Қўмитасининг Туркистондаги хунармандлар касаба уюшмалари тамойилларига нисбатан синфий-партиявий позицияси салбий бўлган. Шу билан бирга, янги иқтисодий сиёсатга ўтишнинг мураккаб ижтимоий-сиёсий шароитлари, маҳаллий ишчи синфининг пролетар ўзагини босиб кетиш билан таҳдид солган майда буржуа стихияси, ўлкадаги саноат ишчиларининг кам сонли экани ҳисобга олинган ҳолда, Туркистон Коммунистик партиясининг VI съезди томонидан хунармандларни касаба уюшмалари қабул қилинганлиги хато кўрсатма дея бекор қилинди. 1922 йилда Туркистондаги касаба уюшмаларидаги хунармандчилик бўлими тугатилди. Шу билан бир вақтда Туркистон Коммунистик партиясининг VI съезди, кейинчалик VII съезди томонидан белгиланган — хунармандларнинг эҳтиёжларига ғамхўрлик қилиш, уларнинг манфаатларини кооперацияга жалб этиш орқали ҳимоя қилиш, улар орасида маданий-маърифий ишларни кенгайтириш йўналиши ҳаётга татбиқ этилди. Хунармандларнинг касаба уюшмаларига киритилмаслиги Совет ҳокимиятининг синфий сиёсатининг натижаси бўлиб, бу жараёнда «тозалаш»лар, қайта рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобот-сайлов кампаниялари муҳим роль ўйнади. Натижада кооперативлар таркибида ўрта ва бой хунармандлар улуши қисқарди. Хунармандчилик кооперациясининг ижтимоий таркиби 1920-йиллар давомида сезиларли ўзгарди. Давлат сиёсати таъсирида кам таъминланган қатлам ва ишсиз аҳоли кооперативларга кенг жалб этилди.

Иттифоқ Коммунистик партиясининг XIV партия конференцияси ва XV съезди қарорларида қосиб ва хунармандларни, аввало камбағал қатламни, имкони борича тез ва тўлиқ кооперативлаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди, бу орқали уларни “хусусий савдогарлар” таъсиридан тортиб олиш мақсад қилинди. Иттифоқ Коммунистик партиясининг XV съезди қарорида эса, айниқса ўша пайтда хусусий капитал таъсири ҳали ҳам кучли бўлган соҳаларда хунармандларни кооперативлаштириш суръатини ошириш зарурлиги тўғрисида бевосита кўрсатмалар берилган. Съезд давлат томонидан бериладиган имтиёзлар ва турли хил ёрдам чораларига нисбатан партия сиёсатини алоҳида тоифадаги кустарларга қараб тақсимлашни талаб қилди.

Большевикларнинг таъкидлашича, хунармандчилик кооперацияси истеъмол кооперацияси билан бир қаторда мамлакат халқ хўжалигини тиклашда катта роль ўйнаши керак эди. 1920 йилларда мамлакатда амалга оширилган социалистик қайта қуриш жараёнларини чуқур ўрганиш зарурати билан белгиланади. Ушбу даврда хунармандчилик (промысловая) кооперацияси майда товар ишлаб чиқарувчиларни социалистик хўжалик тизимига жалб этишнинг муҳим воситаларидан бири сифатида кўрилган. Совет давлатининг иқтисодий сиёсатида хунармандчилик кооперациясига бўлган муносабат зиддиятли бўлиб, бир томондан, у бозор муносабатлари элементларини сақлаб қолиш имконини берган, иккинчи томондан эса, давлат ва партия органларининг маъмурий аралашуви билан чекланган. Жумладан, кооперативлар фаолиятининг бозор қонуниятларидан чекинган ҳолда, 1923 йилдаги Туркистонда кооперация ҳолати ва уни яхшилаш тўғрисидаги қарорга кўра, ХКС ва Туркистон МИҚ қуйидагиларни зарурлигини тан олдилар. Жумладан, хунармандчилик уюшмаси бўйича майда қосиб-хунармандчилик ишлаб чиқаришининг Туркистон учун улкан аҳамиятга эга эканлигини, мазкур соҳада бир неча юз минг одам шуғулланаётганини, Туркистон хунармандчилик уюшмаси фақат қисқа муддатли банк кредитига эга эканини, фаолиятини зарарсиз юритаётганини, аммо маблағлар етишмаслиги туфайли хунармандларни жуда секинлик билан бирлаштира олаётганини инобатга олиб, унга 50 000 сўм миқдорида икки йил муддатга кредит очилди.

Хунармандларни кооперативлаштириш масаласида ҳудудларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб турлича ёндашув бўлганлигини кузатиш мумкин. БХСР саноат бўлими хунармандчилик ишлаб чиқариши инспекторининг Савдо-саноат нозирига 1924 йил 12 июндаги берган ахборотига кўра, Хунармандлар уюшмасини ташкил этишда касб-хунар ташкилотлари ишида тартибсизликка йўл қўймаслик ҳамда касаба уюшмаларига аъзо бўлган барча хунармандларни чиқиб кетишини олдини олиш мақсадида, хунармандчилик артелларини ташкил этиш тегишли тармоқлар касаба уюшмаларига юкланди. Шу тариқа ҳар бир касаба уюшмаси қошида хунармандчилик артеллари тузилиб, бу иш саноат бўлими инспектори назорати остида амалга оширилиши режалаштирилди. БХСРда хунармандчилик ишлаб чиқаришини тиклашни асосий мақсад қилиб қўйиб, шу билан бирга Туркистон хунармандчилик кооперацияси тажрибасининг амалий томонларини ҳисобга олган ҳолда, хунармандларни кооперативлаштириш таклифи берилди. Бундан ташқари кучли, самарали хунармандчилик тармоғини яратиш учун ўз фаолиятини озми-кўпми йўлга қўйиб олган “Хунарманд” уюшмасини “ Косиб-хунармандчилик уюшмасига айлантириш орқали ташкилий қурилиш ишларининг тўғри йўналишини асос қилиб олиш зарурлиги таъкидланди.

БХСР Савдо ва саноат нозирлигининг 1924 йил 11 майдаги қарорида келтирилишича, республика халқ хўжалигида барча турдаги хунармандчиликни амалда ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, барча саноат ва савдо бўлимларига хунармандларни Нозирлик атрофида уюштириш режасини ишлаб чиқишни таклиф қилди. Шунингдек, уларни ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш ишларига йўналтириш, зарур хомашё, материаллар ҳамда ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари билан таъминлаш, пул маблағлари билан кредитлаш чораларини кўриш вазифаси юклатилди. Ушбу мақсадга эришиш учун барча косиб ва хунармандлар (ўз шахсий устахоналари ёки корхоналарига эга бўлганлар) ушбу қарор эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Нозирликнинг саноат бўлимида рўйхатдан ўтишга мажбурлиги қайд этилди.

Рўйхатдан ўтмаганлар ўз ишлаб чиқаришлари билан боғлиқ ҳолатларда ҳеч қандай тарзда ҳукуматдан ёрдам талаб қилиш ёки мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар. Ушбу қарорнинг изоҳ қисмига кўра, хунармандчилик корхоналари деганда ҳеч қандай станок ишлатмайдиган 5 нафаргача ишчи банд бўлган устахоналар ва станок ўрнатилган ҳолда ишлайдиган, аммо 3 нафаргача ишчи банд бўлган устахоналар назарда тутилди. Белгиланган муддатда юқорида кўрсатилган талабларни бажармаслик амалдаги корхоналарни ҳатто тўлиқ ёпиб қўйишгача боровчи маъмурий чоралар кўрилишига олиб келиши белгиланди. Хунармандларни кооперативлаштириш сиёсатининг юқоридаги чора-тадбирлари табиийки, ихтиёрий-мажбурийлик нуктаи-назаридан амалга оширишга киришилганлигидан далолат берар эди.

Бу ўринда алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган масалалардан бири асосий хунармандчилик марказлардан бири ҳисобланган Фарғона вилоятида хунармандларни кооперативлаштириш ва унинг бориши эди. 1925 йил июнда вилоят партия ва режа комитетлари топшириғига биноан, ўн кунлик муддат давомида мутахассислар Марғилон, Андижон, Қўқон ва Наманган шаҳарлари ҳамда уларнинг уездларида хунармандчилик ишлаб чиқаришини ҳолатини текширувдан ўтказди. Ҳисоботларда келтирилишича, шойи тўқувчилар таркибида бир ярим минггача уста мавжуд бўлиб, уларнинг асосий қисми Марғилон шаҳрида жамланган. Улардан фақат 180 нафари артелга бирлашган, 500 нафарга яқини якка тартибда ишлайди, 1000 нафаргача эса ишсиз бўлиб, мардикорликка кетган. Уюшган 180 нафар киши учта артелга бирлашган. Бекасам ёки ярим ипак тўқувчилар таркибида 1400 нафаргача уста мавжуд бўлиб, улардан 100 нафари артелга бирлашган, 400 нафарга яқини якка тартибда ишлайди, тахминан 900 нафари эса ишсиз ҳисобланади. Андижон уездида барча металлчилар сони 1200 нафаргача бўлиб, улардан 800 нафарга яқини ишсиз. 150 нафар киши 1000 рубл капиталга эга бўлган битта артелга уюшган. Иш услуби гуруҳли бўлиб, темирчилар одатда 4 кишигача бўлган гуруҳларда ишлайди. Наманган уездида арабасозлар сони 500 нафаргача бўлиб, уларнинг ярми уезд ҳудудида жойлашган. Ишсизлар 60 фоизгача етади. Фарғона вилояти бўйича умумий маълумотларга кўра, жами

ишлаётган кустарлар -14 297 нафар бўлиб, — 1 996 нафари 37 та артелга бирлашган. Артелларга бирлашмаганлар — 12 301 нафар ва ишсиз хунармандлар — 14 415 нафар. 1925 йил июнь охи ҳолатига ишсизлар сони ишлаётган кустарлар сонига нисбатан 57 фоизни ташкил этади. Юқоридаги рақамлар кооперативлаштириш сиёсати даврида хунармандларнинг аҳоли тўғрисида ҳулосалар чиқаришга имкон беради. Минглаб хунармандлар ўз касб-хунарларини ташлаб мардикорликка ёки саноатнинг оддий ишчиларига айландилар.

Хунармандчилик кооперацияси аввал қишлоқ хўжалиги кооперацияси таркибида бўлган бўлса, 1925 йил октябрдан 8 та район уюшмаси ва 43 та артель билан мустақил фаолият юрита бошлади. 1926 йил 1 апрелига келиб артеллар сони 45,2 фоизга, кооперацияга жалб қилинган шахслар эса 50,5 фоизга ошди. Ўзбекистондаги умумий хунармандларнинг тахминан 10 фоизи артелларга бирлашди. Хунармандчилик ишлаб чиқаришининг асосий турлари тўқимачилик, металлга ишлов бериш, чарм-пойабзалчилик, транспорт хизматлари, ёғочга ишлов бериш, тикувчилик ва бошқа соҳалар ҳисобланади. Умумий ҳисобда 13 127 нафар хунарманд рўйхатга олинган эди. Хунармандчилик кооперациясининг қуёи бўғинлари бўйича 1925 йил 1 апрель ҳолатига 823 нафар аёл ва 291 нафар ўсмир рўйхатдан ўтказилган. Артелларни хом ашё билан таъминлаш белгиланган буюртмалар асосида имтиёзли шартларда, 45 кундан 100 кунгача бўлган муддатга кредит бериш орқали амалга оширилди.

4. Хулосалар:

1920-йилларда хунармандчилик кооперациясининг ташкилий шакллари давлат сиёсати таъсирида шаклланди. Кооператив тузилмаларни яратишда марказлашувга интилиш устувор бўлди, бу эса маҳаллий ташаббусларнинг чекланишига олиб келди. Кооперативларнинг хўжалик фаолияти режалаштириш, кредитлаш ва солиққа тортиш тизимлари билан чамбарчас боғлиқ бўлди. Давлат томонидан берилган имтиёзлар билан бир қаторда, қатор чекловлар ҳам мавжуд эди. Давлат сиёсати таъсирида хунарманд-хунарчилик кооперациясининг ижтимоий таркиби камбағал қатлам улушининг ўсиши ва ўрта ҳамда бой майда товар ишлаб чиқарувчиларнинг сиқиб чиқарилиши томон ўзгарди. Бу жараёнда энг хилма-хил усуллар қўлланилди, уларнинг асосийлари тозалашлар ҳамда ҳисобот-сайлов кампаниялари бўлди. Хунармандчилик кооперациясининг ижтимоий таркиби мазкур даврда сезиларли ўзгарди. Давлат сиёсати таъсирида кам таъминланган қатлам ва ишсиз аҳоли кооперативларга кенг жалб этилди.

Ижтимоий таркибдаги ўзгаришлар кооперативларнинг ички муносабатларига ҳам таъсир кўрсатди. Ишлаб чиқариш интизоми, меҳнат унумдорлиги ва моддий манфаатдорлик масалалари кўп ҳолларда маъмурий усуллар орқали ҳал этилди. Хусусий капитални бутун халқ хўжалигидан чеклаш ва сиқиб чиқариш усулидан уни бутунлай тугатиш сиёсатига ўтиш билан кооперативларга уюшмаган косиб-хунармандлар умуман хом ашё олиш имкониятидан маҳрум этилди. Давлат томонидан кредит, хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар беришнинг тўхтатилиши кўплаб хунармандларни ўз ишлаб чиқаришларини ёпишга мажбур қилди.

Iqtiboslar/Сноски/References:

1. Каримов Р.Х. Социально-экономическое развития Узбекистана в 1921-1925 годы: узловые аспекты, исторический опыт. Дисс. Канд.ист. наук. - Ташкент. 1989.
2. Файзиева З. Кустарное-ремесленное производство в Туркестане во второй половине XIX –начало XX вв.дисс. канд.ист.наук. – Ташкент. 1978.
3. Цыпкина М.А, Развитие промысловой кооперации Узбекистана. Дисс. Канд. Эконом. Наук. - Ташкент. 1953.
4. О‘з МА, R-18-fond, 2-ro‘uxat, 92-yig‘ma jild
5. О‘з МА, R-20-fond, 1-ro‘uxat, 257-yig‘ma jild
6. О‘з МА, R-27-fond, 1-ro‘uxat, 1140-yig‘ma jild

7. O‘z MA, R-27-fond, 3-ro‘yxat, 71-yig‘ma jild
8. O‘z MA, R-86-fond, 1-ro‘yxat, 3105-yig‘ma jild
9. O‘z MA, R-89-fond, 1-ro‘yxat, 268-yig‘ma jild
10. O‘z MA, R-2325-fond, 1-ro‘yxat, 30-yig‘ma jild
11. Farg‘ona VDA, 121-fond, 2-ro‘yxat, 336-yig‘magild
12. <https://ica.coop/en/cooperatives/facts-and-figures>

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000